

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1**



Бош муҳаррир:

Холбеков Муҳаммадҷон

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Тўхтасинов Илҳом

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Тахрир хайъати:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўгли

ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт

Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

Главный редактор:

Холбеков Муҳаммадҷон

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:

Тухтасинов Илҳом

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

Редакционная коллегия:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умар оглы

д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Джеймс Форт

Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Балтабоев Ҳамидулла

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

Editor in Chief:

Kholbekov Muhammadjan

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

Tuhtasinov Ilhom

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Editorial Board:

Bakhtiyor Nazarov

academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli

Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova

Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim

Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail

Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort

University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar

Doc. of philol. sci. (Georgia)

Yusupov Oybek

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Адабиётшунослик

1. Rahmonqulova Zarnigor

DISTOPIK EKZISTENSIALIZMNI INGLIZ YOZUVCHISI UILYAM GOLDINGNING "LORD OF THE FLIES" ROMANIDA AKS ETISHI.....6

2. Усманова Севара

ЧЎЛПОН ВА С.РИЧАРДСОН РОМАНЛАРИДА БАДИИЯТ МУАММОЛАРИ.....14

3. Yusupova Dildora

SHOIR SO‘Z AYTGANI KELAR DUNYOGA...(Shoira Halima Xudoyberdiyevaning hayot va ijod yo‘liga chizgilar).....21

4. Қўчқорова Садоқат

ФОЛЬКЛОРДА ЭРТАКНИНГ ЖАНР СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТИ.....28

5. Мажитова Сабоҳат, Ярашов Шариф

АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ВА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ҲАЗАЛЛАРИДА «ДИЛ» (ЮРАК, ҚАЛБ) ТИМСОЛИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МАЙДОНИ.....35

6. Джалилова Зарнигор

ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА ИНСОН СИФАТЛАРИНИНГ ГУЛЛАР ТИМСОЛИДА ИФОДАЛАНИШИ.....42

Лингводидактика

7. Khamzaev Sobir, Gilyazetdinov Eldar

THE PRINCIPLES OF SPEAKING SKILLS' FORMATION AMONG STUDENTS OF LINGUISTIC UNIVERSITIES.....48

Тилшунослик

8. Boygucheva Lola

THE ROLE OF DISCOURSE ANALYSIS IN MODERN LINGUISTIC THEORY.....54

9. Кобилова Азиза

ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР ЎРНИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ПЕРИФРАЗЛАР ТАҲЛИЛИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....59

10. Mamanazarova Gulhayo, Paluanova Halifa

ISSUES ON OIL AND GAS TERMINOLOGY IN LINGUISTICS.....65

11. Melikova Elnora, Abdullayeva Nargiza

PRIMARY AND SECONDARY PREDICATION.....71

12. Saidova Farida

O‘ZBEK TILI LEKSIK SINONIMLARINING LEKSIKOGRAFIK TALQINI.....77

13. Turniyazov Behzod

FAKTIVLIK ASOSIDAGI KAUZATSIYA.....83


14. Гафуров Бахтиёр АНАЛИЗ ЛИНГВОСТАТИСТИЧЕСКОЙ ХАРАКТЕРИСТИКИ АКЦЕНТНЫХ ФОНОВАРИАНТОВ ИМЕН СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ РУССКОГО ЯЗЫКА.....	91
15. Ибаев Анвар КОМПАРАТИВ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЎРГАНИЛИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА.....	97
16. Исмаилов Тургун ПРЕЗИДЕНТ ДИСКУРСИДА HOMELAND КОНЦЕПТИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ОРҚАЛИ ТАСАВВУР ЭТИЛИШИ (FREEDOM, LIBERTY ҚАДРИЯТИ МИСОЛИДА).....	103
17. Камолитдинова Вазира ОКСЮМОРОН ВА УНИНГ УСЛУБИЙ - СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....	111
18. Нигматова Лолахон ЎЗБЕК ТИЛИ МАХСУС КОРПУСЛАРИ – ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИНИ ЎРГАНИШ ВОСИТАСИ.....	116
19. Сабирова Ёъзоа ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА ЎЗЛАШМА ЮРИДИК ТЕРМИНЛАР ТАЛҚИНИ.....	121
20. Сулаймонова Нигора ЗАМАХШАРИЙ ГЎЗАЛ НУТҚ ВА САБР ОДОБИ ҲАҚИДА.....	130
21. Тўева Зулфия, Юлдашева Дилором БАЁН ВА УНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА.....	137
22. Xolova Muyassar BOYSUN SHEVASI ONLAYN MA'LUMOTLAR BAZASI (QIDIRISH VA SARALASH IMKONIYATLARI ASOSIDA).....	146
23. Abdullayeva Oqila Holmo'minovna O'ZBEK TILI KORPUSINI YARATISH BOSQICHLARI VA MUAMMOLI JHATLARI....	153
24. Abdunazarova Zarina Islomovna THE FORMATION OF SPEECH COMPETENCE.....	146
25. Nilufar Abduraxmonova O'ZBEK TILI KORPUSINI YARATISHDA LINGVISTIK ANNOTATSIYALASH TAMOIILLARI.....	164
26. Shamuradova Naima O'ZBEK VA INGLIZ XALQ MAQOLLARINING QIYOSIY O'RGANILISHI HAQIDA (ASOSIY QISMLARINI QO'LLASH).....	171
27. Яхёева Гулнора Бахтиёровна ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ.....	175

28. Irgasheva Umida INGLIZ TILI DARSLARIDA TALABALAR KASBIY NUTQ KOMPETENTSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA STEAM TEXNOLOGIYALAR AHAMIYATI.....	179
29. Jumaniyozova Nuriya Axmedovna YURIDIK DISKURS LINGVISTIK TADQIQOT OBYEKTI SIFATIDA.....	184
30. Khayitova Feruza Abdikhalikovna THE PRACTICAL ANALYSIS OF TOPONYMS IN GREAT BRITAIN BASED ON THE STORY OF A. CONAN DOYLE "THE HOUND OF THE BASKERVILLES".....	188
31. Z. Masodiqova, Sh. Xatamqulova O'ZBEK VA NEMIS MAQOLLARINI QIYOSHLASH.....	193
32. Teshaboyev Dilmurod Rahmadjonovich, Axmadjonova Mohinur Bahodirovna SON SO'Z TURKUMINING BOSHLANG'ICH SINF DARSLIKLARIDA IFODALANGAN SHAKLLARINI AKT ORQALI TUSHUNTIRISH.....	193
33. Maxmurova Mavjuda Halimovna METAFORALAR NUTQ SHAKLI SIFATIDA.....	204
34. Nazarov Rustam Irkinovich THE IMPORTANCE OF PAIR WORK AND GROUP WORK ACTIVITIES IN TEACHING ENGLISH IN TECHNICAL UNIVERSITIES.....	210
35. Saidbekova Raykhona Rustambekovna, Ruzmatova Dilnoza Ramatjonova FAMILY PERSPECTIVES IN THE NOVEL "AND THE MOUNTAIN ENCHOED" BY KHALED HUSSEINI.....	217
36. Алижон Раҳматович Қосимов, Хумора Муҳаммадиса қизи Иминова ТИЛНИНГ БИОПСИХОСОЦИАЛ ОНТОЛОГИК МАҚОМИ МУАММОЛАРИ.....	222

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Нигматова Лолахон Хамидовна
Филология фанлари номзоди.
Бухоро давлат университети доценти
nigmatovalolaxon@gmail.com

ЎЗБЕК ТИЛИ МАХСУС КОРПУСЛАРИ – ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИНИ ЎРГАНИШ ВОСИТАСИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-18>

Аннотация

Мақолада ўзбек тили махсус корпус(параллел корпус, муаллифлик корпуси ва ҳ.)ларида тил ва маданият ўртасидаги муносабатлар муаммоси, муштараклигига бағишланган бўлиб, ушбу ишларнинг долзарблиги талабалар томонидан ўзлаштиришга йўналтирилган технологиялар, тилнинг минтақавий ижтимоий-коммуникатив хусусиятлари асоси сифатида қаралишини назарга олган. Ҳамда лисоний бирликларнинг тил ва маданият муаммолари, уларнинг маданий қиймати ва хусусиятини очиш имконини кўрсатиб, шу билан бирга, ўзаро қиёслаш асосида турли тиллардаги миллий-маданий ўзига хосликларни баҳолаш, миллий онг ва дунёқарашнинг шаклланишида мазкур категорияларнинг ўрни ва ролини тушунтириб беради. Махсус лингвистик корпусларидан таълимий восита сифатида фойдаланиш тил воситасида маданиятни ўрганишнинг энг оптимал варианты бўла олади.

Таянч сўзлар: махсус тил корпуси, ўзбек тили, коммуникатив хусусиятлар, тил, маданият, муштараклик

Nigmatova Lolahon Hamidovna.
Candidate of Philological Sciences.
Associate Professor of Bukhara State University.
nigmatovalolaxon@gmail.com

UZBEK LANGUAGE SPECIAL CORPS – A TOOL FOR LEARNING LANGUAGE AND CULTURE

ABSTRACT

The article deals with the problem of the relationship between language and culture in the special corpus of the Uzbek language (parallel corpus, author's corpus, etc.). It also reveals the problems of language and culture of linguistic units, their cultural value and character, as well as the assessment of national and cultural identities in different languages on the basis of mutual comparison, the role of these categories in the formation of national consciousness and worldview. The use of special linguistic corps as an educational tool can be the most optimal option for learning culture through language

Keywords: special language corpus, Uzbek language, communicative features, language, culture, commonality

Нигматова Лолахон Хамидовна
кандидат филологических наук. Доцент
Бухарского государственного университета.
nigmatovalolaxon@gmail.com

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫКОВОЙ СПЕЦКОРПУС – ИНСТРУМЕНТ ДЛЯ ИЗУЧЕНИЯ ЯЗЫКА И КУЛЬТУРЫ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена проблеме взаимосвязи языка и культуры в узбекском языке в разных корпусах(параллельных, писательских, электронных, репрезентативных и т.д.) Актуальным аспектом работы в этом направлении является разработка и проведение курсов дистанционного обучения, издание учебных пособий для старшеклассников. Также раскрываются проблемы языка и культуры языковых единиц, их культурной ценности и характера, а также оценка национальной и культурной идентичности разных языков на основе взаимного сравнения, роль этих категорий в формировании национального сознания и мировоззрения. Также следует отметить, что использование специального лингвистического корпуса в качестве образовательного инструмента может быть наиболее оптимальным вариантом изучения культуры через язык.

Ключевые слова специальный языковой корпус, узбекский язык, коммуникативные свойства, язык, культура, взаимосвязь

Атрофдаги дунёнинг ташқи қиёфаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маданият кодлар замонавий инсон дунёсининг лисоний картинасини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бадиий адабиётнинг маданият код ташиш хусусияти ниҳоятда кучли. Бундай асарлар мутолааси ўқув, услубий мақсадда янада кўпроқ хизмат қилади: минтақавий географик маълумотлар билан тўлдирилган, маълум бир ҳудуддаги ҳаётнинг миллий-маданият хусусиятларини, қарашларини акс эттиради.[1]

Бошқа тилда эквиваленти бўлмаган лингвокультуремалар тил корпусида алоҳида аҳамиятга эга. Чунончи, бундай бирликлар тилнинг маданиятга оид хусусиятини ёрқинроқ кўрсатади. Мисоллар массивини бадиий асарлардан олиш шундай сўзлар частотасининг ошишига олиб келади.[2]

Маданият кодларни тўғри талқин қилиш учун тил ва маданият билимлар базаси бўлиши керак. Масалан, рус халқи Европа шаҳарларини бутунлай бошқача тасвирлайди: пиширилган сутнинг сарғиш ранги, катта бошли аскарлар, қорақўтир пиёзлари, болаликдаги фазилатлар ва ҳ. Ушбу метафораларнинг қўлланилиши муаллифга ҳам, ўқувчига ҳам шаҳарни яқиндан таниш қилиб қўяди.

Масалан, Татьяна Толстая “Майиз” тўпламидаги “Ўзга сайёралик орзулари” қиссасида шунга ўхшаш техникани қўллайди: “Мен, айниқса, Санкт-Петербург квартирасида, кеч кузда, кўчада ўтириб кутишни истайман: кулранг кўп қатламли булутлар, плумбернинг тўлдирилган кўйлаги каби нам, суякларга сингучи, совуқ Ингерманландия ёмғири, узун кўлмаклар”. Ҳикоянинг асосий мавзуси – шаҳар манзарасини тавсифлаш.[3, с 45]

Шундай қилиб, маданият кодни дешифрлаш метафорик оборот асосида қурилган адабий кодлар билан бирлашса, бадиий адабиётда оламнинг лингвистик манзарасини, замонавий этно-маданият ҳамжамият вакилининг руҳий ҳолатини тушунишни кенгайтиришга имкон беради.

Ўзбек тили махсус корпус(параллел корпус, муаллифлик корпуси ва ҳ.)ларида ўзбек халқининг этно-социал хусусиятлари ифодаланган матнларнинг киритилишни тил корпусида маданият категориясининг аниқ ифодаланиш имкониятини пайдо қилади; маданият категориясига боғлиқ тушунчаларнинг семантик майдони бойитилади.[4] Қуйида Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикоясидан парча келтирамиз ва шу матн бирликларини семантик теглаш асосида маданият категориясини тўлдириш йўлларини таҳлил қиламиз.

... **Элликбоши** хўкизни жуда нақд қилиб қўйди – гўё у кўчага чикса бас – хўкиз топилади. Бу “**худо яллақагур**” шунчалик қилгандан кейин бир нима бериш лозим-да. **Текинга мушук офтобга чикмайди**. Бу одам элликбоши бўлиш учун озмунча пул сочганми? **Мингбошининг** бир ўзига етти юз боғ беда, бир той бергани маълум. **Пошшоликдан** ойлик емаса! Қобил бобо ҳамёнини қоқиштириб, борини элликбошига берди, яна қанча дуо қидди. Элликбоши бетўхтов **аминга** хабар қилмоқчи бўлиб чиқиб кетди. Кечкурун Қобил бобо аминнинг олдига борадиган бўлди. **Қуруқ қошиқ оғиз йиртади**, аминга қанча пул олиб борса бўлади? **Берганга битта ҳам кўп, олганга ўнта ҳам оз**. Чолкамбир кенгашиб шундай қарорга келишди: бу чиким охирги ва хўкизни бўйнидан боғлаб берадиган чиким, шунинг учун пулнинг юзига қараш ақлдан эмас.

Қобил бобо рўпара бўлганда **амин** оғзини очмасдан қаттиқ кекирди, кейин бағбақасини осилтириб кулди.

... Қобил бобо ёр-дўстлари билан кенгашиди – приставга пулдан бошқа нима олиб борса бўлади?

Маълум бўлдики, **уни бегим дегунча кишининг бели синар** экан. Учта товук, гарчи бири курк бўлса ҳам, Қобил бобонинг ўзидан чикди. Юзта тухумни **кўни-кўшни, ёр-биродарлар** ўзаро йиғиб берди. Аммо бу тортиқ билан **тилмочдан** нари ўтиб бўлмади. Тилмоч тортиқни олди ва бетўхтов **приставга** яхшилаб тушунтиришни ваъда қилди.

Чолнинг бутун бўғинлари бўшашиб кетди, кейин тутоқишди, аммо гўрда бир нарса дея оладими! “**Ўйнашмагил арбоб билан - сени урар ҳар боб билан**”. “Яхшилаб тушунтирилган” пристав битта кулангир, битта фаранги товук, уч сўм пулни олганидан кейин, Қобил бобонинг бахтига, “бетўхтов **ҳокимга** хабар бераман” демасдан, “аминга бор”, деб қўя қолди. Амин “элликбошига борилсин”, деди.

– Гумонингизни айтинг бўлмаса! – деди элликбоши тажанг бўлиб, – ким олганини мен билмасам, **авлиё** бўлмасам! Олган одам аллақачон сўйиб саранжомлади-да! Узоқ демасангиз, эринмасангиз **кўнчиликка** бориб териларни бир қараб чиқинг. Аммо териси кўнчиликка тушган бўлса, аллақачон чарм бўлди; худо билади, **кавуш** бўлиб **бозорга** чиқдимми...

– Енди бизга жуда қийин бўлди-да. **Пешонам шўр** бўлмаса... – деди чол ерга қараб.

– Эй, ёш боламисиз! Нега йиғлайсиз? Кап-катта одам... Битта хўкиз бўлса бир гап бўлар, худо ажалга тўзим берсин! Мен қайнагамга айтайин, сизга битта хўкиз берсин. Битта хўкиз одамнинг хуними?

Эртасига элликбоши Қобил бобони бошлаб қайнатаси – Эгамберди **пахтафурушнинг** олдига олиб борди. Пахтафуруш чолнинг ҳолига кўп ачинди ва ерини ҳайдаб олгани битта эмас, иккита хўкиз берди, лекин “кичкинагина” шарти бор. Бу шарт кузда маълум бўлади... [5, б 45]

Матндаги ажратилган сўзлар этно-социал хосликни билдиради. Ушбу сўзларни ўзбек халқ мақоллари; ўзбек тилидаги фразеологизмлар; касб-кор номи; предмет номи каби маъновий гуруҳларига бирлаштирамиз: [6, с 105-107]

1) ўзбек халқ мақоллари: текинга мушук офтобга чикмайди, қуруқ қошиқ оғиз йиртади, берганга битта ҳам кўп, олганга ўнта ҳам оз, уни бегим дегунча кишининг бели синар, ўйнашмагил арбоб билан - сени урар ҳар боб билан.

2) ўзбек тилидаги фразеологизмлар: худо ёрлақагур; пешонам шўр;

3) касб-кор номи: пахтафуруш, тилмоч, кўнчи;

4) мансаб-унвон номи: элликбоши, мингбоши, амин, бек, арбоб, авлиё, ҳоким, пристав;

5) нарса-предмет номи: кавуш;

6) жой номи: бозор, пошшолик;

7) шахс оти: кўни-кўшни, ёр-биродар.

Тил корпусида мана шундай бирликларнинг семантик тег (изох)га эга бўлиши корпусда ўзбек маданиятига хос бўлган бирликларни кузатиш, ўрганиш имконини беради.

Т.А.Сироткина “Информационные ресурсы как средство формирования региональной языковой личности” мақоласида лисоний ўзига хосликни ахборот воситалари материаллига асосланган ҳолда оммавий минтақавий муаммолар мисолида таҳлил қилишга ҳаракат қилади .[7,с .445]

Ушбу йўналишдаги ишнинг долзарб жиҳати масофавий таълим курсларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш; ўрта мактаб ўқувчиси учун минтақавий материаллар асосида қўлланмалар нашр қилишда кўрилади. Т.А.Сироткина бу борада электрон воситалар орасида тил корпусининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. “Ўлкашунослик лингвистик тадқиқотлари” қўлланмасида алоҳида мавзуда “Замонавий Угра матбуоти тили” мавзуси келтирилган бўлиб, ушбу дарс мақсади ҳудудий оммавий ахборот воситаларининг тил хусусиятини аниқлашни ўрганишдан иборат. Дарс вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) Угра матбуоти материаллида публицистик нутқ услуби хусусиятларини ўрганиш;
- 2) публицистик матнда муаллиф позициясини аниқлашни ўрганиш;
- 3) публицистик матн жанрини аниқлашни ўрганиш;
- 4) маҳаллий ОАВга хос бўлган ҳодисаларга шахсий муносабатни шакллантириш;
- 5) матнни мукамал таҳлил қилиш маҳоратини ошириш.

Дарсдан кутилаётган натижалар:

1. Публицистик материални лингвистик таҳлил қилиш.
2. Публицистик матн жанрини мустақил ҳолда аниқлаш.
3. Ҳудудий ОАВ муаммолари мунозара ва таҳлилида иштирок этиш. [8, с 28]

Дарс бир неча ўқув вазиятларидан иборат бўлади.

Биринчи топшириқ. “Матбуот қайси тилда” гапиради? Талабага гуруҳларда ишлаш учун топшириқ берилади. Улар публицистик услубга хос матнни ўқишади; матндаги саволларга жавоб беришади.

Иккинчи топшириқ. “Публицистик матн таҳлили”. Талабага “Шоир нимадан хафа?” мақоласи матнини “Новыйгород” газетасидан ўқиб чиқиш ҳамда таклиф этилган схема бўйича таҳлил қилиш вазифаси юкланади.

- 1) асар жанри;
- 2) матннинг асосий ғояси;
- 3) публицистик матннинг услуб хусусиятларини ифода этиш воситалари – ижтимоий баҳо, экспрессивликни аниқлаш;
- 4) нутқ тури.

Шундан сўнг ўқувчилар таклиф этилган ижодий вазифалардан бирини бажаришади.

1. “Шаҳрим аҳолисига мурожаатим” матнининг радиода гапириш ва газетада эълон қилиш учун икки вариантини тайёрланг. Мурожаат мавзусини ўзингиз танланг.

2. Минтақангизда яшовчи қизиқарли одам билан интервью ҳақида ўйлаб кўринг. Савол-жавоблар учун вариантларни тақдим этинг.

3. Нашр учун матн: “Шаҳрим(қишлоқ)нинг қадимги қиёфаси” мавзусида портретли эскиз тайёрланг.

4. Маҳаллий газета нашрларига маданият мавзусида шарҳ тайёрланг. Қандай нашрлар сизни ўйлашга ундади, баҳслашиш ёки, аксинча, муаллифларнинг позициясини ҳимоя қилиш учун далиллар қўшиш истагини уйғотди? Матнга сарлавҳа қўйинг.

5. Она юртингиз табиати тўғрисида нашр тайёрлашингиз керак. Мавзуни қайси жанрларда очиш мумкин? Сиз танлаган барча жанрларнинг матн сарлавҳаларини таклиф қилинг. Матнни жанрлардан бирида ифодаланг.

6. “Ҳаётимиздаги байрамлар: анъаналар ва замонавийлик” мавзусида нашр материалли тайёрлашингиз керак. Мавзуни қайси жанрларда очиш мумкин? Сиз танлаган барча жанрларнинг матн сарлавҳаларини таклиф қилинг. Матнни жанрлардан бирида ифодаланг.

7. “Ханти-Манти автоном округи – Угра нутқ маданияти” мавзусида нашр материалли тайёрлашингиз керак. Мавзуни қайси жанрларда очиш мумкин? Сиз танлаган барча жанрларнинг матн сарлавҳаларини таклиф қилинг. Матнни жанрлардан бирида ифодаланг.

8. Мактаб ҳаётидаги воқеалардан бири ҳақида репортаж ёзинг.

9. Маҳаллий телекўрсатувларнинг бирортасига шарҳ ёзинг.

Тилни она тили сифатида ўқитиш билан хорижий тил сифатида ўқитишнинг фарқи бўлади, албатта. Бундай пайтда тил корпусига ўхшаш махсус разметкаланган электрон воситаларнинг ўрни бекиёс. Хусусан, бугунги кунда корпус технологиялари лингводидактик инновациялар, жумладан, талабалар томонидан ўзлаштиришга йўналтирилган технологиялар тилнинг минтакавий ижтимоий-коммуникатив хусусиятлари асоси сифатида қаралиши мумкин.[9, с 23]

Е.Л.Кудрявцева ҳам рус тилини чет тили сифатида ўқитиш соҳасида анъанавий равишда ОАВ материалига асосланган корпуслар алоҳида аҳамиятга эгаллиги таъкидлайди. Бу имконият, хусусан, газета корпусларига тегишли; улардан фойдаланиш талабанинг маданий саводхонлиги, ижтимоий-маданий компетенциясини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.[10, с 204]

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, махсус лингвистик корпусларидан таълимий восита сифатида фойдаланиш тил воситасида маданиятни ўрганишнинг энг оптимал варианты бўла олади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Большаков В. П. Культура как форма человечности. Учебное пособие. https://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Culture/Bolsch/03.php
2. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура // Лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного. – Москва : Русский язык, 1983. – 269 с.
4. Т.Толстая Серия : Легкие миры Татьяны Толстой //Изд-во АСТ , редакция Елены Шубиной.2016.- С-45
5. Б.Менглиев. Маърифий адабиёт лингвистик тадқиқ методологияси сифатида / Uzbekistan language & Culture. Alisher Navo'i Tashkent State University of the Uzbek language and literature. ISSN 2181-922X; 2019 Vol.1;
6. Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” Танланган асарлар (1 жилд). Янги аср авлоди. Тошкент.- 2015. Б. 45
7. Khamroeva Sh.M., Mengliev B. R. The authorship lexicography and authorship corpus // Материалы международной научной конференции междунаучная интеграция: лингводидактический, лингвокультуроло-гический и психолингвистический аспекты 19-20 декабря 2019 год. Sumqayit – 2019. – С. 105-107
8. Сироткина Т.А. Информационные ресурсы как средство формирования региональной языковой личности // Русский язык в Интернете: личность, общество, коммуникация, культура: сборник статей I Международной научно-практической конференции. Москва, РУДН, 8-9 февраля 2017 г. / под общ. ред. А.В.Должиковой, В.В.Барабаша ; ред. кол. Г.Н.Трофимова, С.С.Микова, С.А.Дерябина. – Москва : РУДН, 2017. – 544 с. – С. 435-441
9. Сироткина Т.А. Лингвистическое краеведение .Электронный курс для учителей общеобразовательных школ .Сургут.- 2015 . С.-28
10. Рычкова Л.В.; Кныш Е.Р.: Национальные мегакорпусы в изучении лингвокультурем // Национально-культурный компонент в тексте и языке. Материалы IV Международной научной конференции (Минск, 3 – 5 декабря 2009г.). – В 2 ч. Ч.1. Минск, 2009. – С. 23-25.
11. Кудрявцева Е.Л. К вопросу о значении медиа-компетенции в современном обществе и процессе ее формирования у носителей русского языка как родного и студентов-иностранцев // Сборник материалов научной программы российской экспозиции Международной выставки «Эксполингва-2007». М., 2008. – С. 208-214.

СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1

INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1